



## ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЛАР ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР: УМУМИЙ ВА ФАРҚЛИ ХУСУСИЯТЛАР

**Нодирбек Омонович Юсупов**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси,  
муштақил изланувчи yunusovtimur160@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7539740>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> January 2023

Accepted: 14<sup>th</sup> January 2023

Online: 16<sup>th</sup> January 2023

### KEY WORDS

Ҳарбий жиноят, ҳалқаро ҳуқуқ элементи, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноят, асосий объект, факультатив объект, Женева Конвенцияси, Женева Конвенциясига қўшимча Протокол, Ҳалқаро жиноят судининг Рим Статуту.

### ABSTRACT

Мақолада ҳарбий жиноятлар ва ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг умумий жиҳатлари ва концептуал фарқлари, фанда мазкур икки тушунчани тушунишга оид назарий қарашлар таҳлили, шунингдек, масалани тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш хусусида сўз юритилади.

### КИРИШ

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар жиноят қонунчилигида алоҳида тизим сифатида классификация қилинган бўлсада, соғлиққа қарши жиноятлар, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli жиноятлар, иқтисодиёт соҳасидаги, бошқарув тартибига қарши жиноятлар каби бошқа тизимлар билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги тизимлар айрим элементларининг ўзаро кесишиши билан, фарқи эса тартибга солишнинг аниқ чегараси билан ифодаланади. Қуйида биз ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар ҳамда ҳалқаро ҳуқуқ элементлари билан қоришган ҳарбий жиноятларни умумий ва фарқли жиҳатлари хусусида сўз юритамиз.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, бу икки тушунчалар аксарият ҳолларда фанда ҳам, амалиётда ҳам синоним сифатида қўлланиб келинмоқда. Назарияда бу икки тушунчанинг нисбатига даҳлдор учта ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи ёндашувда ҳарбий жиноятларга ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган, жазо таҳдиди остида Жиноят кодекси билан тақиқланган ҳар қандай ижтимоий хавfli қилмишлар сифатида қаралади. Р.В. Закомолдиннинг фикрича, ҳарбий жиноятлар тушунчаси ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар тушунчасидан кенгроқ бўлиб, ҳарбий хизматчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар томонидан содир этиладиган барча жиноятларни



(шу жумладан, умумий жиноятларни ҳам) ўз ичига олади [1]. Фикримизча, ўрганилаётган тушунчаларни фарқлашнинг бундай ёндашувини тўғри деб бўлмайди, чунки унда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар объектининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаган. Ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган умумий жиноятлар ўз моҳиятига кўра, ҳарбий хизматни белгиланган тартибига қарши қаратилмаган ва унга даҳл қилмайди. Умумий жиноятларнинг объекти ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар объекти билан мос келмайди, фақат айрим ҳолларда умумий жиноятларнинг объекти тадқиқ этилаётган тизим таркибидаги жиноятларнинг факультатив объекти бўлиши мумкин. Назаримизда, бундай ёндашув фақат криминологик аҳамият касб этади, чунки у ҳарбий ёки ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни эмас, ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган ҳар қандай жиноятларни тадқиқ қилишга қаратилган.

Иккинчи кенг тарқалган ёндашувга кўра, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар ҳарбий жиноятлар билан тенглаштирилади. Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилдаги ЖК 225-моддасида “Ҳарбий хизматни ўташ учун белгиланган тартибга қарши ушбу Кодексда назарда тутилган жиноятларнинг ҳарбий хизматчилар томонидан ва йиғинларни ўташ вақтида ҳарбий (хизмат)га мажбурлар томонидан содир этилиши ҳарбий жиноят деб ҳисобланади” деб белгиланган эди [2]. Ундан аввалроқ эса шу мазмундаги норма собиқ иттифоқ томонидан қабул қилинган 1927 йил 27 июлдаги “Ҳарбий жиноятлар тўғрисида низом”да ўз аксини топган [3]. Ўзбекистон Республикаси ЖК VIII бўлимида “ҳарбий жиноятлар – ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий машқни ўташ даврида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилинган жиноятлар” деб [4], Олий суд Пленуми қарорида эса “Ҳарбий жиноятлар деганда, ҳарбий хизматчилар томонидан, шунингдек, ҳарбий йиғинлар вақтида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши содир этилган жиноятлар тушунилади” деб таърифланади [5]. Кўриб турганингиздек, бу борадаги миллий қонунчилик ва иттифоқ даври тушунчалари тубдан фарқ қилмайди. Н.М. Ахметшин ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни ҳарбий жиноятлар билан ўхшаш деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу икки тушунча бир турдаги ғайриҳуқуқий ҳаракатларни акс эттирувчи бир-бирининг ўрнини босадиган атамалардир [6]. Бугунги кунда бир қанча олимлар ушбу нуқтаи-назарни қувватлайдилар [7]. Назаримизда, ҳарбий жиноятлар ва ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар тушунчаларини бу мазмунда тушуниш собиқ иттифоқ жиноят қонунчилиги таъсиридан келиб чиққан бўлиб, бундай ёндошув ушбу тушунчаларнинг специфик хусусиятларини ва уларнинг маъно юкласини акс эттириш имкониятини чеклаб қўяди.

Учинчи қарашга кўра, ҳарбий жиноятлар умумий жиноятлар билан ўхшашлиги бўлмаган ва фақат ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлардир. О.К. Зателепин ва Р.М. Агишевнинг таъкидлашича, ҳарбий жиноятлар тушунчаси дастлаб Қадимги Римда юзага келган. Қадимги Рим ҳуқуқида жангчилар содир этиши мумкин бўлган уч турдаги қилмишлар қайд этилади:



а) махсус ҳарбий мажбуриятларни бузадиган жиноятлар (хизматдан қочиб кетиш, қоровул хизмати мажбуриятларини бузиш, буйсинув тартибини бузиш ва б.);  
б) ҳарбий хизматчилар томонидан хизмат билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ва жангчиларнинг фуқароларга нисбатан кучайтирилган жавобгарлигини назарда тутувчи алоҳида умумжиноий қилмишлари (хизматдошини тунаш, аскарлар ўртасидаги жанжал ва б.);  
в) исталган фуқаро томонидан содир этилиши мумкин бўлган умумжиноий қилмишлар. Бунда ушбу жиноий ҳаракатлар гуруҳини фақат умумжиноий қонунчилик билан тартибга солиш назарда тутилган эди [8]. Дастлабки икки гуруҳ бевосита ҳарбий хизматни ўташ тартибига таҳдид солади; бунда иккинчи гуруҳда назарда тутилган қилмишлар албатта қўшимча (ўзганинг мулки, шахснинг соғлиги ва ҳаёти каби) объектга эга бўлади; учинчи гуруҳ фақат умумий жиноятларга тааллуқли ҳатти-ҳаракатларни ифодалайди. Демак, Қадимги Рим давридаёқ ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга таҳдид солиши мумкин бўлган ҳарбий ва ноҳарбий жиноятлар фарқини англаб етишган. Учинчи қараш тарафдорлари ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни ҳарбий хизматнинг белгиланган тартибларига тажовуз қиладиган, ҳарбий хизматчилар томонидан фақат хизмат шароитида содир этилиши мумкин бўлган (масалан, бўйсунмаслик, дезертирлик, жанговар навбатчиликни ўташ қоидаларини бузиш ва б.), бошқа ғайриқонуний қилмишлар тизимида аналогича бўлмаган жиноятлар деб тушуниш кераклигини таъкидлашади. Бундай ёндашувни биз чекланган доирада ва нисбатан тор тушуниш деб баҳолаган бўлардик. Чунки, сўз юритилаётган тизим таркибида асосий объекти бевосита ҳарбий хизмат манфаатларига, қўшимча объекти эса соғлиқ, мулк, шахснинг шаъни ва қадр-қиммати каби бошқа ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи жиноятлар мавжудки, улар умумий жиноятлар орасида ўхшашларига эга. Масалан, баданга шикаст етказиш (ЖК 283-м.) жинояти қасддан баданга енгил ва ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105, 109-м.)га ўхшаш бўлса, ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш (ЖК 296-м.) жиноятининг аналогича мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш (ЖК 173-м.)дир.

Бизнинг назаримизда, ҳарбий жиноятлар ва ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар бир хил маънони англатмайди. Ҳарбий жиноятлар моҳиятан ижтимоий хавфлилиги юқорироқ, унинг қамров чегараси ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлардан анча кенг.

Ҳарбий жиноятлар тушунчасини 1945 йил 8 августда Лондонда қабул қилинган Европа мамлакатларининг асосий ҳарбий жиноятчиларини судловга тортиш ва жазолаш бўйича Халқаро ҳарбий трибунал Низомида учратиш мумкин. Низомнинг 6-моддасига кўра, ҳарбий жиноятлар босиб олинган ҳудуднинг тинч аҳолисини ўлдириш, қийноққа солиш ёки қул қилиш ёхуд бошқа мақсадларда олиб кетиш; ҳарбий асирларни ўлдириш ёки қийноққа солиш; босиб олинган ҳудудларда жамоат ёки хусусий мулкни талон-тарож қилиш; шаҳар ёки қишлоқларни бемақсад йўқ қилиш; ҳарбий зарурат билан оқланмаган вайронагарчилик каби уруш қонунлари ва одатларини бузувчи жиноятлардир [9]. Кейинчалик ҳарбий жиноятлар тушунчаси халқаро қуроли можаролар қурбонларини ҳимоя қилиш бўйича 1949 йилги Женева Конвенцияларига



I-қўшимча протокол билан сезиларли даражада ривожлантирилган. Хусусан, протоколнинг 1 ва 11-моддалари таҳлилдан ҳарбий жиноятлар 1949 йилдаги Женева Конвенциялари талаблари ва Протокол қоидаларини “жиддий” бузишдан иборат эканлиги англашилади. Унга кўра, қуролли можаро вақтида содир этиладиган 1949 йилги Женева Конвенциялари ва протокол билан ҳимояланган шахсларга жисмоний шикаст етказиш, тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказиш, тўқималар ёки органларни трансплантация қилиш мақсадида ажратиб олиш каби жиноятлар, шунингдек, Протоколнинг 85-моддасида рўйхати шакллантирилган (аҳолини ёки алоҳида фуқаролар гуруҳини ҳужум объектига айлантириш, аҳоли орасида жароҳатланишга, йўқотишларга, фуқаролик объектларига зарар етказилишига сабаб бўлиши маълум бўлгани ҳолда, аҳолига ёки ноҳарбий фуқаролик объектларига тартибсиз ҳужум қилиш; аҳоли орасида жароҳатланишга, ҳаддан ортиқ йўқотишларга, фуқаролик объектларига зарар етказилишига сабаб бўлувчи ўзида хавfli кучни сақлайдиган қурилма ва иншоотларга ҳужум қилиш; қўриқланмайдиган ва демилитаризация қилинган ҳудудларни ҳужум объектига айлантириш; ҳарбий ҳаракатлардаги иштирокини тўхтатгани олдиндан аён бўлган шахсга ҳужум қилиш; Қизил Хоч, Қизил Ярим ой ва бошқа фарқловчи белгилар ёки Конвенциялар ва мазкур Протокол билан тан олинган ҳимоя белгиларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, босиб олинган ҳудуд аҳолисини ёки унинг бир қисмини бошқа ҳудудга кўчириш ёхуд депортация қилиш; ҳарбий асирлар ёки фуқароларни репатриация қилиш (қайтариш)ни асоссиз равишда кечиктириш; апартеид (ирқий камситиш), инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи амалиётларни қўллаш; махсус келишувлар асосида алоҳида муҳофаза қилинадиган халқ маданий ва маънавий мероси ҳисобланувчи тарихий ёдгорликлар, санъат наъмуналари ва диний маросимлар ўтказиладиган жойларга ҳужум қилиш, агар улар бевосита ҳарбий объектлар яқинида жойлашмаган бўлса ва ҳужум натижасида улар вайрон бўлса кабилар) ҳалқаро қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ Конвенция ва Протокол қоидаларини “жиддий” бузувчи бир қатор қилмишлар уруш жиноятлари сифатида тан олинади [10]. Бунда таъкидлаш жоизки, “жиддийлик” термини таърифсиз қўлланилади ва баҳоланади. Халқаро нормалар мазмунига кўра, ҳарбий жиноятлар кенг қўламли, катта миқёсли салбий оқибатларга сабаб бўлувчи ва тизимли равишда содир этиладиган жиноятлардир.

Ҳалқаро ҳуқуқда ҳарбий жиноятлар тушунчаси янада мукамал ва тўлиқ шаклда 1998 йил 17 июлда Римда қабул қилинган Ҳалқаро жиноят судининг Рим Статутида мустаҳкамланган. Унинг 8-моддасига кўра, ҳарбий жиноятлар Женева Конвенциясининг “жиддий” бузилишидан иборат бўлган, режали тартибда ёки сиёсий даражада ва кенг миқёсли содир этиладиган жиноятлардир [11]. Жиноят қонунчилиги тили билан айтганда, “жиддийлик” ҳарбий жиноятлар объектив томонининг ўзига хослигидан келиб чиқувчи ижтимоий хавfliлик даражасини юқорилиги билан характерланади. Бу оммавий қатл, сиёсий раҳбарият ва (ёки) ҳарбий қўмондонликнинг буйруғи (розилиги) билан амалга ошириладиган қотиллик, қийноқлар, ғайриинсоний муносабатлар, асирликка олиш, нокомбатантларга ҳужум қилиш, шавқат қилмаслик ҳақида топшириқ (эълон), аҳоли пунктларини талон-тарож қилиш, ҳалқаро ҳуқуқ муҳофазасидаги объектларга зарба бериш, қасддан қаттиқ оғриқ ёки азоб берувчи



жароҳатлар етказиш, таслим бўлган, қурол ёки бошқа ҳимоя воситасига эга бўлмаган комбатанатни яралаш ёхуд ўлдириш, бўғувчи, заҳарли ёки бошқа газларни ҳамда шунга ўхшаш суюқлик, модда ва воситаларни қўллаш, ҳаддан ортиқ зарар етказувчи методлардан фойдаланиш, дин, таълим, санъат, фан, ҳайрия мақсадлари учун мўлжалланган ва бошқа ноҳарбий объектларга зарба бериш каби шаклда бўлиши мумкин.

Р.А. Адельханян ва И.Ю. Белыйнинг ёзишича, ҳарбий жиноятлар ҳалқаро ҳуқуқий тушунча бўлиб, ҳалқаро ҳуқуқнинг базавий принципларини ҳамда ҳалқаро гуманитар ҳуқуқнинг қуролли можароларни олиб бориш билан боғлиқ ўрнатилган қоидаларини бузишда ифодаланади [12]. С.А. Лобановнинг фикрича, бундай қилмиш фақат ҳалқаро ёки ички қуролли можаро шароитида содир этилади [13]. В.В. Каболов эса ҳарбий жиноятлар урушнинг қонун ва удумларини бузишдан иборат деб ҳисоблайди [14]. Ўз навбатида Р.В. Закомолдин урушнинг қонун ва удумларини бузиш ҳарбий жиноятларнинг тури эканлигини таъкидлайди [15]. Ҳалқаро жиноят судининг Рим Статутига назар ташласак, ҳақиқатдан ҳам ҳарбий жиноятлар урушнинг у ёки бу турдаги қонун ва удумларини бузишдан иборатлигига гувоҳ бўламиз. Ҳарбий жиноятларнинг ўзи, Р.А. Адельханян ва И.Ю. Белыйнинг айтишича, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлардир.

Худди шундай нуқтаъи-назар амалдаги миллий жиноий қонунчиликда акс этган. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар ЖКнинг VIII бобидан ўрин олган. 1959 йилдаги Ўзбекистон ССР ЖКда мавжуд бўлмаган мазкур бобга ҳалқаро ҳуқуқ талабларидан келиб чиқиб, агрессия (ЖК 151-м.), урушнинг қонун ва удумларини бузиш (ЖК 152-м.), геноцид (ЖК 153-м.) каби бир қатор янги нормалар киритилган.

Фикримизча, ҳарбий жиноятларни қуйидаги мазмундаги муаллифлик таърифи билан изоҳлаш мумкин: **Ҳарбий жиноятлар ташқи ҳалқаро муносабатларни ҳамда ички ҳуқуқий тартибни жиддий беқарорлаштирувчи, урушлар, қуролли можаролар ва бошқа турдаги жанговар ҳаракатлар даврида юзага келадиган, оммавий, кенг қўламли тавсифга эга, катта миқёсли салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи, одатда бир томоннинг шундай жиноий ҳаракатига нисбатан бошқа томоннинг симметрик жавоби билан ҳарактерланувчи, ҳалқаро ҳуқуқнинг умуътироф этилган қоидалари ва принципларига зид бўлган кўп объектли қилмишлардир.**

Ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига таяниб, биз Р.В. Закомолдин, Р.А. Адельханян, И.Ю. Белыйнинг ҳарбий жиноятларни тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар таркибига киритилиши лозимлиги ҳақидаги фикрларини қувватлаймиз. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сон қарорида “ҳарбий жиноятлар” сўзлари барча ўринларда “ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар” сўзлари билан алмаштирилиши тарафдоримиз. Ўз навбатида, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга **“ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ва идораларнинг ҳарбий хизматчилари ва уларда ҳарбий йиғинларни ўтаётган шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташ ёки ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага келадиган ижтимоий муносабатларга ҳамда**



қонунчиликда белгиланган ҳарбий-ҳуқуқий тартиботга қарши жиноятлар” деб таъриф бериш ва тегишлича ЖКнинг VIII бўлимидаги “ҳарбий жиноятлар” атамасини ҳамда юқоридаги Пленум қарори 1.1-банди биринчи хатбошини шу мазмунда баён этилиши мақсадга мувофиқ.

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, ҳарбий жиноятлар ҳамда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар умумий белгилар билан бир қаторда, ўзаро принципиал фарқли жиҳатларга эга бўлиб, уларнинг аниқ чегарасини англаш мазкур турдаги жиноятларни тўғри дифференциациялашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

## References:

1. Уголовное право России. Общая и Особенная части: учебник / под ред. д-ра юрид. наук, профессора В.К. Дуюнова. М., 2015. С. 672.
2. Ўзбекистон ССРнинг Жиноят Кодекси, 1959 йил 21 май куни бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган, “Ўзбекистон” нашриёти”, Тошкент – 1977
3. Положение о воинских преступлениях: постановление ЦИК СССР, СНК СССР от 27 июля 1927 г. // Собрание законов СССР. 1927. № 50
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 22.09.1994 йил № 2012-XII сон қонун билан тасдиқланган, 01.04.1995 йил кучга киритилган, <https://lex.uz/docs/111453>
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сон қарори, <https://lex.uz/docs/1449962>
6. Ахметшин Х.М. Преступления против военной службы // Российская юстиция. 1997. № 5. С. 42.
7. Жарких В.А. Насильственные преступления против военной службы: дис. ... канд. юрид. наук. Краснодар, 2004. С. 62; Зателепин О.К., Кислицын М.К., Петухов Н.А. [и др.] Военно-уголовное законодательство Российской Федерации. Специальный курс: учебное пособие. М., 2004. С. 46; Лавруков М.М. Квалификация воинских насильственных преступлений: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2004. С. 41; Новокшенов Д.В., Шеншин В.М. Особенности признаков субъектов воинских преступлений // Право в Вооруженных Силах. 2018. № 8. С. 33–40; Степашин В.М. Особенности назначения специальных наказаний военнослужащим // Вестник Омского университета. Серия «Право». 2011. № 1. С. 173–174; Хомяков А.И. Преступления против порядка подчиненности и воинских уставных взаимоотношений: уголовно-правовое и криминологическое исследование: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2002. С. 19
8. Зателепин О.К. Понятие воинского преступления в истории уголовного права, электрон манбага мурожаат санаси: 11.09.2022 й., <http://voenprav.ru/doc-1724-5.htm>; Агишев Р. М. Воинская преступность: криминологический и уголовно-правовой аспекты : дис. ... канд. юрид. наук. СПб., 2005. С. 12–13.



9. УСТАВ Международного Военного Трибунала для суда и наказания главных военных преступников европейских стран оси, от 8 августа 1945 года, электрон манбага мурожаат санаси: 14.09.2022 й., <https://docs.cntd.ru/document/901737883>
10. ДОПОЛНИТЕЛЬНЫЙ ПРОТОКОЛ I к Женевским конвенциям от 12 августа 1949 года, касающийся защиты жертв международных вооруженных конфликтов от 1.8 июня 1977 года, электрон манбага мурожаат санаси: 04.07.2022 й., <https://docs.cntd.ru/document/901755843?marker=7DE0K7>; Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро ҳужжатга 03.09.1993 йилдаги 946-XII-сон Қонунга мувофиқ қўшилган, 08.04.1994 йилдан кучга кирган, <https://nrm.uz/contentf?doc=139427>
11. Ўзбекистон Республикаси томонидан 2001 йил 28 июнда имзоланган, ратификация қилинмаган, [https://nrm.uz/contentf?doc=41037\\_rimskiy\\_statut\\_mejdunarodnogo\\_ugolovnogo\\_suda](https://nrm.uz/contentf?doc=41037_rimskiy_statut_mejdunarodnogo_ugolovnogo_suda)
12. Адельханян Р.А. Военные преступления как преступления против мира и безопасности человечества: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2003. С. 10; Белый И. Ю. Производство по делам о военных преступлениях в органах международного уголовного правосудия (проблемы становления и перспективы развития) : монография. Серия: Право в Вооруженных Силах — консультант. М., 2011. Вып. 123. С. 50.
13. Лобанов С.А. Уголовная ответственность за военные преступления: теоретические вопросы международно-правового исследования: монография. М., 2015. С. 103–104.
14. Каболов В.В. Преступления против мира и безопасности человечества: дис. ... канд. юрид. наук. Ростов н/Д, 2002. С. 44
15. Закомолдин Р.В. Преступления против военной службы и военные преступления: словарь-справочник. М., 2010. С. 84–85.